

# МАРКАЗИЙ БАНК ТИЗИМИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ СОҲАСИДАГИ АНЪАНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРГА ЯНГИЧА НИГОҲ. ЮТУҚЛАР ВА ТЎСИҚЛАР

Бугунги кунда корхона ва ташкилотлар фаолиятини модернизациялаш инсон капиталидан оқилона фойдаланишни талаб этади. Зотан, иқтисодиётимизни ривожлантиришда «инсон ресурслари»ни самарали бошқариш масаласи барчамиз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга вазифа бўлиб қолмоқда.



**Воҳиджон Ҳамрақулов,**  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кадрлар билан ишлаш департаменти  
директори

Аслида тез-тез тилга олинаётган «инсон ресурсларини бошқариш» атамаси инсониятнинг тараққий этиш давридан бошланиб, айни глобаллашув даврида кадрларни стратегик бошқаришда корхона ва ташкилотлар сиёсатининг асосий қисмига айланмоқда.

Инсон ресурсларини бошқариш (Human resources management – HRM) йўналишида анъанавий ва стратегик ёндашув мавжуд. Жадвалда анъанавий ва стратегик ёндашувлар фарқини кўришингиз мумкин. HRM тизими ходимларни стратегик бошқаришга қаратилган. Бунда мазкур тизимнинг асосий вазифаси сифатида ходимларни оқилна танлаб олиш, уларнинг салоҳиятини тўғри баҳолаш, иқтидорли ёшларни саралаб олиб, уларнинг истеъдодларини ривожлантириш ташкилот қадриятларининг асосий мезонлари ҳисобланади.

Марказий банк тизимида 2019 йилдан буён айнан шу йўналишда ходимларни стратегик бошқариш сиёсати йўлга қўйилиб, ўтган давр мобайнида кўплаб самарали ишлар ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида ижобий ютуқларга эришилди.

**ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ (HUMAN RESOURCES MANAGEMENT – HRM) ЙЎНАЛИШИДА АНЪАНАВИЙ ВА СТРАТЕГИК ЁНДАШУВ МАВЖУД. HRM ТИЗИМИ ХОДИМЛАРНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШГА ҚАРАТИЛГАН. БУНДА МАЗКУР ТИЗИМНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ СИФАТИДА ХОДИМЛАРНИ ОҚИЛОНА ТАНЛАБ ОЛИШ, УЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАШ, ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ САРАЛАБ ОЛИБ, УЛАРНИНГ ИСТЕЪДОДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАШКИЛОТ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

### ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ СОҲАСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Мазкур йўналишдаги ишлар аввало тизимда мавжуд ходимларни бошқариш сиёсатини аудитдан ўтказишдан бошланиб, аниқланган муаммолар бирма-бир таҳлил қилинди. Сўнгра тегишли вазифалар белгилаб олинди, келгуси икки йилга мўлжалланган йўналишлар комплексидан иборат йўл харитаси ишлаб чиқилди.

Ушбу йўл харитасида инсон ресурсларини бошқариш сиёсатининг муҳим йўналишлари ҳисобланган ходимларни баҳолаш, номзодларни танлов асосида саралаш, кадрлар захирасини шакллантириш ва уларни ротация қилиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, ходимлар иқтидорини баҳолаш тизими Марказий банк учун сезиларли натижаларни келтирди. Сабаби, бу тизим ёрдамида ходимларнинг фаолият самарадорлиги аниқ мезонлар бўйича баҳоланиб, фаолияти давомида таркибий бўлинма ишига ижобий таъсир кўрсатган ва замонавий ёндашган ҳолда янги лойиҳаларни татбиқ этган ходимларни моддий рағбатлантириш имконияти яратилди.

Марказий банк тизими ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш белгиланган тоифаларга ажратилган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ходимларни моддий рағбатлантириш ҳамда раҳбарлик лавозимларига захира шакллантиришга ёки, аксинча, са-

Жадвал

#### Инсон ресурсларини бошқариш (Human resources management – HRM) йўналишида анъанавий ва стратегик ёндашув

Анъанавий ёндашув	Стратегик ёндашув
Меҳнат муносабатларига	Ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришишга
Ходимларнинг муаммоларини ҳал этишга	Истеъдодларни жалб қилиш ва ривожлантиришга
Ходимларни рағбатлантиришга қаратилган	Ходимларни ташкилот тамойилларига мослаштиришга қаратилган

**Манба:** муаллиф томонидан тузилган.

марасиз фаолият юритаётган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилишга асос бўлади.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг корпоратив қадриятлари (бурч, масъулият ва жамоавийлик) ишлаб чиқилди. Бунда бурч қадриятини ривожлантириш натижасида Марказий банкнинг стратегик мақсадларига эришишда ходимларда дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, улар фаолият юритаётган ташкилот олдидаги бурчларини адо этиш учун мунтазам ривожланишлари зарурлиги ҳам инobatга олинган. Айнан мана шу қадриятни сингдириш натижасида ходимларнинг илмий, маънавий ва шахсий ривожланишлари учун яратилган имкониятлар бунга яққол мисол бўла олади.

Масъулият қадрияти эса ходимлар берилган барча топшириқлар ва юклатилган вазифаларни юқори даражада бажаришга тайёр бўлишлари улар фаолият олиб бораётган тизим учун муҳим аҳамият


**МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ КОРПОРАТИВ ҚАДРИЯТЛАРИ (БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАМОАВИЙЛИК) ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. БУНДА БУРЧ ҚАДРИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ НАТИЖАСИДА МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ХОДИМЛАРДА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИНИ УЙЎТОТИШ, УЛАР ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ТАШКИЛОТ ОЛДИДАГИ БУРЧЛАРИНИ АДО ЭТИШ УЧУН МУНТАЗАМ РИВОЖЛАНИШЛАРИ ЗАРУРЛИГИ ҲАМ ИНОВАТГА ОЛИНГАН. АЙНАН МАНА ШУ ҚАДРИЯТНИ СИНГДИРИШ НАТИЖАСИДА ХОДИМЛАРНИНГ ИЛМИЙ, МАЪНАВИЙ ВА ШАХСИЙ РИВОЖЛАНИШЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР БУНГА ЯҚҚОЛ МИСОЛ БЎЛА ОЛАДИ.**

касб этишида намоён бўлади. Марказий банк тизими-га масъулиятли ходимларни ишга жалб қилиш эса инсон ресурсларини бошқариш соҳасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Барчамизга маълумки, «Кучли жамоа – муваффақият гарови», шунинг учун Марказий банкнинг асосий қадриятлари сифатида жамоавийлик қадриятининг кучайтирилиши ҳам бежиз

эмас. Ҳозирги кунда инсоният кутилмаган турли хил вазиятлар қуршовида қолаётганини инobatга олиб, ходимларнинг барча кучларини бир мақсадга сафарбар этиб, ягона мувофиқлаштирилган механизм сифатида ишлаш тизими-га ўтиш ушбу қадриятни танлашдан кўзланган асосий мақсаддир. Мазкур қадриятнинг ходимлар ўртасида кенг тарқалиши учун эса корпоратив ма-





даниятни тарғиб этиш ишлари олиб борилмоқда ва бу ишлар доирасида мунтазам равишда турли хил маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, янги ишга қабул қилинган ходимларни Марказий банкка мослаштириш бўйича ҳам бир неча ислохотлар амалга оширилди. Ҳозирда малакали мутахассислар томонидан олиб борилаётган жараён номзодларнинг иш ўринларига тезроқ мослашишига ва жамоа билан тил топишишига имконият яратмоқда.

**ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА ТАНЛОВ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН СИНОВ ТАДБИРЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ РЕАЛ ВАҚТ РЕЖИМИДА КУЗАТИШНИ НАЗАРДА TUTUVЧИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИДА ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА НОМЗОДЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ЛАВОЗИМГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ТАРТИБ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.**

Қайд этишимиз лозим, мазкур жараёнларни тизимга татбиқ этишда хорижий давлатлар марказий банклари тажрибаси ҳамда халқаро экспертларнинг фикр ва таклифларидан кенг фойдаланилди.

Марказий банк аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларда мавжуд бўлган вакант лавозимларни муносиб номзодлар билан бутлашда шаффофликни таъминлаш ҳамда тенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва лавозимга тайин-

лаш жараёни замонавий Инсон ресурсларини бошқариш (HRM) тизимига мос ҳолда йўлга қўйилди.

Биринчи навбатда, ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида вакант лавозимларга номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш тўғрисида»ги тартиб ишлаб чиқилди.

Мазкур тартибга асосан ишга қабул қилиш бўйича танловни амалга оширишда холислик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида тест синовлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган бўлиб, унда:

- вакант лавозимлар ҳақидаги маълумотларни

**ВАКАНТ ЛАВОЗИМГА ТАЛАБГОР БЎЛГАН НОМЗОД МАСОФАДАН ТУРИБ, ТЕЛЕГРАМ-БОТ ИЛОВАСИ ОРҚАЛИ РЎЙХАТДАН ЎТАДИ, ЯЪНИ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ БИЛАН ТАНИШИБ ЧИҚИБ, ИСТАЛГАН ЛАВОЗИМНИ КЎРСАТГАН ҲОЛДА ТЕГИШЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЮБОРАДИ. МУТАХАССИСЛАР ТОМОНИДАН НОМЗОДНИНГ МАЪЛУМОТНОМАЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, ТАЛАБЛАРГА МОС КЕЛИШИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНАДИ. ШУНДАН СЎНГ БАРЧА НОМЗОДЛАР УЧУН ИМТИҲОН КУНИ БЕЛГИЛАНИБ, ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ.**

веб-сайтда ва ижтимоий тармоқларда очиқ жойлаштириш;

- номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш;
- вакант лавозимларни билимли ва малакали кадрлар билан бутлаш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда инсон омилини қисқартириш кўзда тутилган.

Вакант лавозимга талабгор бўлган номзод масофадан туриб, телеграм-бот иловаси орқали рўйхатдан ўтади, яъни бўш иш ўринлари билан танишиб чиқиб, исталган лавозимни кўрсатган ҳолда тегишли маълумотларни юборади. Мутахассислар томонидан номзоднинг маълумотномалари қабул қилиниб, талабларга мос келиши таҳлил қилинади. Шундан сўнг барча номзодлар учун имтиҳон куни белгиланиб, танлов ўтказилади.

Тест синовлари саволлари тегишли мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, номзодларнинг мантиқий фикрлаш (IQ), касбий фаолиятга доир ҳамда макроиқтисодий билимлардан хабардорлиги имкониятларини баҳолаб беради. Бундан ташқари, Марказий банкнинг ҳар бир таркибий бўлинма-

си томонидан унда мавжуд лавозимларга қўйилган хорижий тиллар бўйича даражаларни текшириш видео-конференция шаклида олиб борилиб, мутахассислар томонидан баҳоланади. Танловга оид ҳужжатлар ҳамда синов натижалари Экспертлар гуруҳи томонидан кўриб чиқилади ва тегишли хулоса берилади.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари Марказий банкнинг Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти томонидан мунтазам кузатиб борилади.

Тест синовларининг замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этилаёт-

**ТЕСТ СИНОВЛАРИ САВОЛЛАРИ ТЕГИШЛИ МУТАХАССИСЛАР ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН БЎЛИБ, НОМЗОДЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ (IQ), КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ДОИР ҲАМДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРДАН ХАБАРДОРЛИГИ ИМКОНИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАБ БЕРАДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҲАР БИР ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАСИ ТОМОНИДАН УНДА МАВЖУД ЛАВОЗИМЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР БЎЙИЧА ДАРАЖАЛАРНИ ТЕКШИРИШ ВИДЕО-КОНФЕРЕНЦИЯ ШАКЛИДА ОЛИБ БОРИЛИБ, МУТАХАССИСЛАР ТОМОНИДАН БАҲОЛАНАДИ. ТАНЛОВГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР ҲАМДА СИНОВ НАТИЖАЛАРИ ЭКСПЕРТЛАР ГУРУҲИ ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ ВА ТЕГИШЛИ ХУЛОСА БЕРИЛАДИ.**

ганлиги мазкур янги тизим холислик ва шаффофликни таъминлашнинг муҳим омили бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, ҳозирда инсон ресурсини бошқаришнинг барча тизимларини автоматлаштириш ва замон талабига мослаштириш илғор ва долзарб йўналиш бўлиб қолмоқда.

### **КОНСЕРВАТИВЛИК МОДЕРН ҚАРАШЛАРГА БЎЙИН ЭГИШНИ ИСТАМАЯПТИ**

Қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, янгиликнинг кириб келиши силлиққина (осонгина) кечмайди. Марказий банкда HRM тизими татбиқ этилар экан, табиийки, қатор хатарлар ва муаммолар юзага келди. Уни жорий этишда муваффақиятли тренер (коуч)ларга катта эҳтиёж сезилди, сабаби, ҳар бир иш профессионаллар кўмагида амалга оширилса, муваффақият қозониши мумкин. Натижада Инсон ресурсларини бошқариш (HRM) йўналишидаги муваффақиятли, профессионал мутахассислар жалб этилиб, хорижий тажри-

бадан фойдаланилди. Бундан ташқари, анъанавий бошқарув асосида фаолият юритиб келаётган ходимларни янги тизимга мослаштириш, уларга янги тизимнинг моҳияти, афзалликларини тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шу билан бирга, стратегик мақсадларга эришиш инновацион ёндашувларни ҳам талаб этди. Бунда замонавий техник ускуналар ва дастурий таъминотларга эҳтиёж туғилди. Ҳозирги кунга келиб, яратилган янги тизимда юзга келаётган муаммоларни бартараф этиб, мазкур тизимнинг узлуксиз ишлаши юқори малакали ходимлар томонидан олиб борилмоқда.

### **ЗАМОНАВИЙ HR ТИЗИМИ ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ФАОЛИЯТ УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА БЕҚИЁС ЎРИН ТУТДИ**

Сир эмаски, глобаллашув жараёнида инсоният сезиларли ўзгаришларга гувоҳ

**ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ (HRM) ЙЎНАЛИШИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛИ, ПРОФЕССИОНАЛ МУТАХАССИСЛАР ЖАЛБ ЭТИЛИБ, ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАДАН ФОЙДАЛАНИЛДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, АНЪАНАВИЙ БОШҚАРУВ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛАЁТГАН ХОДИМЛАРНИ ЯНГИ ТИЗИМГА МОСЛАШТИРИШ, УЛАРГА ЯНГИ ТИЗИМНИНГ МОҲИАТИ, АФЗАЛЛИКЛАРИНИ ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛДИ.**


бўлмоқда. Бу нафақат кундалик турмуш тарзимиз, балки иш юритишимизни маълум даражада ўзгартиришга ҳам олиб келди.

Хусусан, жорий қилинган HRM тизими орқали пандемия даврида ходимларни ишга ёллаш тартиби янада такомиллаштирилди. Номзодлар ишга кириш жараёнида барча саралаш босқичларидан масофадан туриб ўтиш имкониятига эга бўлдилар. Бу билан номзодларни саралаш босқичларида инсон омили таъсирини максимал даражада камайтириш имконияти туғилди. Энди номзодлар ишга

қабул жараёнларини онлайн кузатиб борибгина қолмай, балки мутахассислар билан жараён давомида қайта алоқа ўрнатишлари ҳам мумкин.

### **ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ТАШКИЛОТ МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ**

Инсон ресурсларини бошқариш сиёсатининг асосий тамойилларидан бири, бу – ташкилотнинг асосий мақсадлари татбиқ этилаётган сиёсатга чамбарчас боғлиқ бўлиши. Марказий банк муваффақиятида ходимлар-



нинг фаолият самарадорлиги ортиши муҳим восита бўлиб, бунда йўлга қўйилган тизим қанчалик фойда бериши ҳам алоҳида ўринга эга. Шунинг учун ходимларни бошқариш тизими уларнинг муайян соҳада ютуққа эришишларига туртки бериши ва замин яратиши лозим.

Шунингдек, 2019 йилдан бошлаб Марказий банкда илк маротаба олий таълим муассасаларининг банк, макроиқтисодиёт, математика ва ахборот технологиялари йўналишларидаги бакалавриятнинг сўнги босқичида ҳамда магистратурада таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни танлов асосида саралаб олиш ва уларга Марказий банк махсус стипендиясини бериш жорий қилинди.

Натижада 2018-2019 ва 2019-2020 ўқув йилларида Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Халқаро Вестминстер университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети,


**ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИДАН БИРИ, БУ – ТАШКИЛОТНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИ ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАН СИЁСАТГА ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ БЎЛИШИ. МАРКАЗИЙ БАНК МУВАФФАҚИЯТИДА ХОДИМЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ ОРТИШИ МУҲИМ ВОСИТА БЎЛИБ, БУНДА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН ТИЗИМ ҚАНЧАЛИК ФОЙДА БЕРИШИ ҲАМ АЛОҲИДА ЎРИНГА ЭГА. ШУНИНГ УЧУН ХОДИМЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ УЛАРНИНГ МУАЙЯН СОҲАДА ЮТУҚҚА ЭРИШИШЛАРИГА ТУРТКИ БЕРИШИ ВА ЗАМИН ЯРАТИШИ ЛОЗИМ.**

Тошкент молия институти ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида таҳсил олаётган 500 нафар талаба орасидан жами 80 нафар иқтидорли талаба танлаб олинди ва Марказий банкнинг махсус стипендиясига сазовор бўлди.

Марказий банк томонидан талабалар учун семинарлар ва маданий тадбирларни ўтказиш бўйича махсус Дастур ишлаб чиқилиб, Марказий банкнинг махсус стипендиаларига ҳар ойда қўшимча

стипендия ажратиш белгиланди.

Дастурга кўра, талабаларни Марказий банк фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида улар учун ўқишдан ташқари вақтларида уларнинг ўз хоҳишларига кўра, Марказий банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларида ҳар кунлик амалий малака ўташлари ташкил этилиб, ҳар бир стипендиатга малакали мураббий бириктирилди ва шахсий ривожланиш режалари ишлаб чиқилиб, Марказий





банкнинг малакали мутахассислари томонидан амалиёт ўтаётган стипендиатларнинг пул-кредит сиёсати, монетар операциялар, валютани тартибга солиш ва тўлов баланси, кредит ташкилотлари пруденциал назорати ҳамда банк фаолиятига оид бошқа йўналишлар бўйича bilim ва кўникмалари ошириб берилди.

Бу эса, ўз навбатида, банк тизимига қисқа муддаларда ёш, иқтидорли талабалардан малакали мутахассисларни тайёрлашда ўз самарасини берди.

Ҳозирда Марказий банкнинг таркибий бўлинмаларида энг иқтидорли стипендиатлар орасидан 25 нафари ишга қабул қилинган бўлиб, улардан 3 нафари ўз bilim ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида Германия, Канада ҳамда АҚШдаги нуфузли олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда.

Ушбу дастурни давом эттириш мақсадида 2022-2023 ўқув йиллари учун ҳам юқорида қайд этиб ўтилган олий ўқув юр்தларининг бакалавриат босқичи охириги курсида ва магистратурада

таҳсил олаётган талабалар учун Марказий банк махсус стипендияси жорий этилиши кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳар бир янгилик ва ташаббус ортида кучли шижоат ва машаққатли меҳнат ётади. Жорий этилган тизим мунтазам равишда такомиллаштириб боришни ва модернизациялашни талаб этади. Биз бу йўлда илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда, иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга ҳисса қўшадиган, айниқса, соҳанинг тараққий этишига сабаб бўладиган тизимни яратишда давом этамиз.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ишга қабул қилиш жараёни учун Бўш иш ўринлари телеграм боти ([https://t.me/CBUuz\\_bot](https://t.me/CBUuz_bot)) ҳамда CBUHR (<https://t.me/cbuhrm>) номли инсон ресурсларини бошқариш бўйича янгиликлар канали юритиб келинмоқда.

**2019 йилдан бошлаб Марказий банкда илк мартаба олий таълим муассасаларининг банк, макроиқтисодиёт, математика ва ахборот технологиялари йўналишларидаги бакалавриатнинг сўнгги босқичида ҳамда магистратурада таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни танлов асосида саралаб олиш ва уларга Марказий банк махсус стипендиясини бериш жорий қилинди.**